

## Деопоэтоним тушунчасининг моҳияти

Бухоро давлат университети  
Француз филологияси кафедраси доценти,  
**Хамирова Муборак Ҳафизовна**  
Тел: +99890 744 03 77

Француз филологияси, иктидорли талабаси  
**Жумаева Мухинур**  
[muborakhafizovna@gmail.com](mailto:muborakhafizovna@gmail.com);  
[m.h.xamidova@budu.uz](mailto:m.h.xamidova@budu.uz)

### ARTICLE INFO.

**Калит сўзлар:** табиат ходисалари, деопоэтоним, аллюзив ном, туман, мифодеопоэтонимлар, реал деопоэтоним, урбандеопоэтоним,

### Аннотация

Мақолада ўзбек ва француз тилларида деопоэтоним тушунчасининг моҳияти ва таснифланиш асослари хамда табиат ходисалари номларига эътибор қаратилган. Уларнинг рамзий-тимсолий моҳияти аникланган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl> © 2023 LWAB.

Деопоэтонимлар поэтик ономастикага хос терминлардан биридир. У тил ва адабиётнтеграцияси маҳсули сифатида юзага чиқиши туфайли лингвопоэтик ҳодиса сифатида қаралиб, ономастика соҳасига тегишли ҳисобланади. Шунинг учун деопоэтонимларни лингво+поэтика бирлигига асосланган тамойиллар асосида ўрганишга тўғри келади. Чунки деопоэтонимлар ҳам бошқа ономастик бирликлар қатори лингвопоэтик жиҳатдан муайян вазифаларни бажаришга хослангандир.

Агар деопоэтонимлар лингвопоэтик тамойиллар асосида таҳлил ва тадқиқ қилинса, улар бадиий матнда:

биринчидан, бадиий-эстетик таъсирчанликни юзага келтириш;  
иккинчидан, салбий ёки ижобий маънони юзага чиқариш;  
учинчидан, аллюзив ном сифатида матнни шакллантириш ҳамда интертекстуалликни

таъминлаш ;

тўртингидан, сатирик ифодани яратиш;

бешинчидан, инсон руҳий ҳолати ёки вазиятини, умуман, ифодаланаётган воқеликни баҳолаш, унга экспрессив, эмоционал ҳамда интенсив муносабатни ифодалаш;

олтинчидан, ижодкор услубини белгилаш,

еттинчидан, асар моҳиятини англаш ва англатиш мақсадида риторик мурожаат билан чиқиши мақсадларида кўлланиши аёнлашади.

Деопоэтонимлар бадий матн билан боғлиқ ҳодисалар сифатида, одатда, ижодкор бадий мақсадига мувофиқ қўлланади ва бунда турли экспрессив, интенсив хусусиятларини намоён этади. Шу билан ўзининг муайян бадий юкка, поэтик қимматга эга эканини кўрсатади. Бундан англашиладики, бадий матндаги табиий ҳодисаларни ифодалаб келган ҳар қандай сўз ёки ном эмас, балки ижодкор бадий ниятини ёритишга хизмат қилган табиий ҳодисалар номларигина **деопоэтоним** ҳисобланади.

Шундай қилиб, муайян табиий ҳодиса маъносини англашиб, уни атаб келувчи ҳамда ижодкор бадий нияти, субъектив муносабатига мувофиқ поэтик вазифага йўналтирилган бундай лексик бирликлар “**деопоэтонимлар**” деб аталади. Улар бошқа ономастик бирликлар каби бадий матнда ономастик метафора, аллюзив ном, “сўзловчи” ном каби лингвопоэтик вазифаларда келади.

Деопоэтонимлар лексик-семантик ва эстетик-стилистик жиҳатдан алоҳида хусусиятларга эга. Ижодкорлар улар орқали ўзларининг табиат оламига муносабатини ҳам ифодалайдилар.

Бадий матнда қўлланувчи деопоэтонимларни моҳиятига кўра қўйидаги кўринишларга ажратиш мумкин:

1. Кўл билан тутиб, кўз билан кўриш мумкин бўлган табиий ҳодиса номлари. Масалан, *қор, ёмғир, дўл, қиров, шудринг* каби.

2. Кўз кўриб, кўл билан тутиш имкони бўлмаган табиий ҳодисаларнинг номи. Масалан, *булут, туман, момақалдироқ, чақмоқ, тўзон, камалак* каби.

3. Кўз ҳам кўрмайди, қўл ҳам тутмайди, фақат ҳис қилиш мумкин бўлган табиий ҳодисалар. Масалан: *шамол, шабада, гармсөл, зилзила* сингари.

Бадий матнда қўлланиб келадиган бу каби ҳар учала табиий ҳодисаларни “**реал деопоэтонимлар**” деб санаш мумкин. Лекин улар орасида **мифодеопоэтонимлар, урбандеопоэтонимлар** ҳам учрайди.

**Мифодеопоэтонимлар** поэтонимларнинг, аниқроғи, табиий ҳодисаларнинг номини ифодаловчи деопоэтонимларнинг бир кўриниши ҳисобланади. Улар тил тизимида ўзига хос

ўринга эга. Мифодеопоэтонимлар худди деопоэтонимлар сингари поэтик ономастикага хос атамалардан биридир. Улар мифологик тасаввур-тушунчаларнинг тилда ва бадиий ижодда интеграциялашуви натижасида келиб чиқсан. Шунинг учун улар лингвопоэтик бирлик сифатида лингвопоэтика принципларига таянилган ҳолда ўрганилади. Улар деопоэтонимлар ҳамда бошқа ономастик бирликлар сингари муайян лингвопоэтик вазифаларни бажаришга хизмат қиласи.

Мифодеопоэтонимлар бирор-бир табиий ҳодисани англатиб, у ҳақдаги мифологик, хаёлий уйдирмага асосланган тасаввур-тушунчани ўзига сингдирган, уни аташга хизмат қилган, шунингдек, ўша номда ижодкор томонидан унинг бадиий ниятига мувофиқ қўлланиб келган лингвопоэтик вазифадаги лексик бирликлардир.

**Урбандеопоэтонимлар** бадиий асарларда ички шаҳар обьекти, маданий қиммат касб этадиган, масалан, истироҳат-боғи комплекси кабилардан иборат бўлади. Масалан, бунга Коҳирада барпо этилган ва XIX аср охири ва XX аср бошларигача сайёҳлар ўртасида машхур бўлган “Эзбек” истироҳат боғи мажмуасини мисол қилиш мумкин. Бир вақтлар Напалеон ҳам уни ўзига қароргоҳ қилиб олганлиги айтилади. Боғ ўртасида манзарали кўл бўлган. Ундан қўпузоқ бўлмаган масофада опера театри биноси ҳамда “Континентал” меҳмонхонаси жой олган. Эзбек шу истироҳат боғидаги ҳайкал бўлиб, боғ шу ҳайкал номи билан аталган. Бироқ ҳозир ундан фақат кичик парк сақланиб қолган, холос.

Хулоса қилиб айтганда, бадиий адабиёт тилида учрайдиган деопоэтонимлар ҳам поэтонимнинг бошқа турлари сингари асарнинг маъновий-услубий имкониятларини таъминлашда муҳим восита саналади. Улар парадигматик хусусиятларга эга адабий онималар сифатида тил ва нутқ хосликларини англашда катта аҳамият касб этади.

### Адабиётлар руйхати

1. Khamidova Muborak Khafizovna. SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE UNIVERSITY, 67.
2. DEOPOETONYMS. Khamidova Muborak Khafizovna. Teacher of department of German and French languages, BSU. SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE UNIVERSITY НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК БУХАРСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА.
3. N.B.Kuldasheva. (2023). LE TERME ET LA TERMINOLOGIE. Innovative development in educational activities, 2(6), 41–52.
4. Xamidova.M.Француз ва узбек тилларида деопоэтонимларнинг айрим лингвопоэтик хусусиятлари.Бухоро давлат университети илмий ахбороти 2(10.00.00;N1), 144-149,2020
5. Xamidova.M.Француз ва узбек тилларида шериятида деопоэтонимларнинг бадиий кулланилиши.Бухоро давлат университети илмий ахбороти 3(10.00.00;N1), 210-215,2020